ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 11

Хужаобод туман «5» 10 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хужаобод тумани Мактабгача таълими булими номидан Низом асосида иш олиб борувчи МТБ бошлиги Н.Мирзакаримова_ бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи **"BINOKOR HAMKOR QURUVCHI" МЧЖ** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Б. Исаков иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1 . «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофик «Буюртмачи»нинг яъни Хужаобод туман МТБ га карашли 15 давлат мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдикланган сметага ва танлов комиссиясининг карори билан тасдикланган ишлар киймати (барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда шартноманинг умумий суммаси **157 000 000** (бир юз эллик етти миллион) сўмни ташкил этади

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс-мажор холатлари сабаб бўлганида кайта кўриб чикилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунида «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30% ини, яъни **47 100 000**(кирк етти миллион бир юз минг)сўм олдиндан аванс тарикасида «Пудратчи»нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 % и, яъни **109 900 000**(бир юз тўккиз миллион тўккиз юз минг)сўм «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан бажарилган ишлар далолатномасига асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30-кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш хамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг хукуклари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хак тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш;

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш;

3.3. ««Буюртмачи»»нинг мажбуриятлари

Тасдикланган смета бўйича бажарилган ишларни кабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вактида хак тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг хукуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини кабул килиш коммиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат килиш;

IV. КАФОЛАТЛАР

4.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишини;

4.2. Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланади.

4.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

4.4. Аникланган нуксон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуксон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, Буюртмачи бу хакда ёзувларни киритади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат курилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан кабул килиб олади. Курилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик коидаларига келишилган ишларни бажариш вактида атроф мухитнинг тозалиги мехнат мухофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чикади ва бунга амал килади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни уз кучлари билан бажарилиши хамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга кадар мазкур шарнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида булади. «Пудратчи» узининг томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофик булиши хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда булган деб топилса «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган курилиш таъмирлаш ишларини кабул килиш коммиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

5.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, курилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Курилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблаги беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия оркали кабул килинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» курилиш майдонида уз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофик текширади.

5.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларникабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга ҳаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишларетказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида такдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда такдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда курилиш ишларини тугатмаган такдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-кисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаган такдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.6 Шартномада бошка тартиб назарда тутилмаган булса, хужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармганлик учун "Хужалик юрутувчи суъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги конунинг 25-321 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари кулланилади.

VI. Низоларни хал килиш тартиби

6.1 Ушбу шартнома ёки унга боглик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар тарафларнинг узаро келишуви билан хал килинади.

6.2 Низоларни тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конун коидасига асосан иктисодий судида хал килинади.

VII. Бошка шартлар

7.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча узгаришлар ва кушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин хакикий хисобланади.

7.2 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилган булиб тарафлар имзоларидан сунг хакикий деб хисобланади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

8.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди оркали хал этилади.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, “31”декабрь 2022 йилгача амал килади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“BINOKOR HAMKOR QURUVCHI” МЧЖ

Манзил:***АндижонвилоятиХужаободтумани***

Бахрин МФЙ Фаровон куча

Тел./факс: 99 443 40 10

х/р: **2020 8000 5009 2815 9001**

Банк номи: **АТБ Кишлок курилиш банк**

Хўжаобод туман булими

МФО: **01 079**СТИР:**305 753 981**

ОКОНХ:**41 202**

Рахбар: Б. Исаков

«БУЮРТМАЧИ»

Хужаобод туман МТБ таълими бўлими

Манзил:**Хужаобод туман Саноатчи мфй**

Тел./факс

ш/х **_10022860032367091100251003_**

бюджетдан маблағ олувчи

СТИР **305156008** ОКОНХ **92400**

Ғазначилик бўлинмаси номи: **Хужаобод тумани Ғазначилик бўлинмаси**

Ғазна х/в: 02000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХККМ

МФО: 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Рахбар: **Н.Мирзакаримова**

O.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: IM2748462452

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ CK36285778

1. Loyihanning turi:

Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi

2. Loyihaning nomi

Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi

3. Loyihaning qisqacha mazmuni:

Xujaobod tumani Maktabgacha ta'limi bulimi mudiri N.Mirzakarimova bir tomondan va **"BINOKOR HAMKOR QURUVCHI" MChJ** raxbari B.Isakov ikkinchi tomondan Xujaobod tuman MTB ga karashli 15 davlat maktabgacha ta'lim tashkilotini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish yuzasidan umumiy summasi **157 000 000** (bir yuz ellik yetti million) so'mlik pudrat shartnomasi

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot :

Xo'jaobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi **5.10.2022**

Loyiha O'zbekiston Respublikasininga amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xo`jabod tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i **S.Rahimov**

5.10.2022 yil

“Тасдиқлайман”

Хўжаобод туман мактабгача таълим

бўлими мудири: Н.Мирзакаримова

2022 йил “ 5 ” 10

БАЁННОМА №8

Раислик қилувчи:Н.К.Мирзакаримова

Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими мудири

Қатнашувчилар: Комиссия аъзолари

Кун тартибида: *Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги* 15 давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов натижалари

(Н.Мирзакаримова, Ш.Турсунов, А.Мамажонов,М.Рустамов,З.Ўрмонов,Н.Мирзакаримова)

Ўзбекистон Республикасининг **“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”**ги 22 апрель 2018 йилдаги №684 Қонунига асосан харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар) махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирилган. 2022 йил 1октябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 15- давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари” баённомасига асосан эълон якунига кўра BINOKOR HAMKOR QURUVCHI MCHJғолиб деб топилганлиги,ҳарид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилганлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг **“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”**ги конунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч кандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юкоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 5 октябрдаги баённомасига асосан BINOKOR HAMKOR QURUVCHI MCHJғолиб деб топилганлигини инобатга олиб ушбу ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари

Турсунов Шохмурод Сапарбекович _____ Бош ҳисобчи

Мамажонов Аббосбек Азамжонович _____ Иқтисодчи

Ўрмонов Зайнобиддин Холдарович _____ Эксплутация бўлими бошлиғи

Рустамович Муқимжон Қосимович _____ Таъминотчи